

АРАБ ТИЛИДА ТУРЛАНМАЙДИГАН СЎЗЛАРНИНГ (المبنيات) СИНТАКТИК ТАЛҚИНИ

Акмалхонов Акмалхон Аҳмад ўғли,
Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси “Ўзбек тили ва мумтоз шарқ
адабиёти” кафедраси ўқитувчиси,

филология фанлари бўйича фалсафа фани доктори, PhD.

E-mail: akmalxonovibnahmad@mail.com Tel.: +998910099252

Akmalxonov Akmalxon Ahmad o'g'li, PhD.

Senior lecturer of the International Islamic Academy of Uzbekistan

E-mail: akmalxonovibnahmad@mail.com Tel.: (+99891) 0099252

Келишик ва майлларда оъзгармаслик ҳодисаси ва унинг ўзгармас шакллари. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, ўзгармаслик феъл ва ҳарф сўз туркумига оид ҳодисадир. Ўзгармаслик турлари тўртта бўлиб, булар: сукун, фатҳа [а], касра [и], дамма [у] ҳисобланади. Исм, ҳарфлар туркумидаги ўзгармаслик маълум бир асосга эга ҳисобланувчи нақл ва симаъ (эшитиш) асосида бўлади.

Замонавий тилшунослар, шу жумладан, Мустафо Ғалайний фикрига кўра, ўзгармас сўзларга ҳарф туркумининг барчаси, ўтган замон ва буйруқ феъллари, ҳозирги замон феълининг таъкидни ифодаловчи «нўн» ва муаннас кўпликни ифодаловчи «нўн» қўшилган шакллари ва баъзи исмлар ҳисобланади.

Абу Яъқуб Саккокийнинг бу борадаги қараши анчайин мукамал ҳисобланиб, ўзгармас сўзлар батафсил баён қилинади.

Исм ва феъллардаги ўзгармас шакллар. Саккокий синтактик вазифа натижасида ўзгарувчи сўзлардан олдин ўзгармайдиган сўзларни ўн тўрт синфга бўлгани ҳолда келтиради. Булар:

1. Ёрдамчи сўз туркуми (ҳарф) (الحروف)

Саккокий ёрдамчи сўзларни назарда тутган ҳолда, уларни ўзгармас сўзлар таркибига қўшмоқда. Ҳарф туркуми гапда бошқа сўзларга қўшилган ҳолда маъно англатади.

2. Овозлар (муайян ҳарфларни режалаштирмай талаффуз қилиниши натижаси ҳосил бўлган овозлар) (الأصوات المحكية على قول من لا يجعلها حروفا).



Булар тақлид сўзлар ҳисобланиб, маълум бир синтактик муносабатни бажармайди. Бу каби сўзларда синтактик ўзгаришлар кузатилмайди. Олим бундай сўзларга мисол ўлароқ қуйидагиларни келтиради: *حس* (эҳтиёжмандга қайтариқ жавоби) *بس* (пишт!), *وي* (таажжубни ифодаловчи сўз), *وا* (мотамдаги вой), *أخ* (ёмон кўрган нарсасини кўрганда қўлланилади), *بخ* (ишнинг ҳажми жуда катталигидан ажабланишда қўлланади) ва шунга ўхшашлар.

Тақлид сўзлар икки турли бўлиб, бири олим таъкидлаганидек, Асосий саволларлаштирмай талаффуз қилинган товушлар, иккинчиси ҳайвонларга тааллуқли товушлар. Бу товушларни ифодаловчиларнинг ҳар икки тури ўзгармас сўзлар таркибига киради.

Маҳмуд Замахшарий надомат ва таажжубни ифодаловчи *وي* ни ҳам тақлид сўзлардан деб айтади. Аллоҳ таоло сўзидан қуйидаги оятни мисол ўлароқ келтиради. У оят: *وَيَكْفُرُ لَا يُفْلِحُ الْكَافِرُونَ* (Вожаб, кофирлар нажот топмайдиганга ўхшайди-ку. Қасос сураси, 82-оятдан). Сибавайҳи ва Халил ибн Аҳмадлар ҳам *وي* таажжуб маъносида келганлигини таъкидлайдилар. *كأنه* - (унга ўхшаш) сўзи ўхшашлик маъносида эмаслиги, балки тасдиқ, таъкид эканлигини Ибн Яъиш айтган эди.

Баъзан тақлид сўз ўзи тегишли бўлган шу сўз билан номланиши ҳам мумкин. Масалан: *غراب* (қарға) сўзи ундан чиқадиган *غراق* билан номланади. Тақлид сўз отлашиб келганда, келишикларда турланиши ҳам мумкин, мисол учун: *رأيت غاقا* (қарғани кўрдим).

Тақлид сўзлар қандай эшитилган бўлса, шу шаклда ўзгармас ҳисобланади. Масалан: *عدىس* (урғочи хачир бақирғи) сўзи сукун билан ўзгармас ҳолда, сабаби у шундай шаклда нақл қилинган.

Бизнингча, *феълнинг ўтган замон ва буйруқ шакллари* (أمثال الماضي والامر).

Саккокий феълнинг буйруқ ва ўтган замон шаклларини ўзгармас шакллар сифатида келтиради. Ўтган замон феъл шакли учинчи шахс музаккар бирликда фатҳа [a] билан ўзгармас шаклда бўлади, яъни шу ўринда у ҳар қандай синтактик жараёнда, умуман, ўзгармайди. Фатҳа билан ўзгармаслик сўзда кўриниб турган ва тақдиран (фаразан) бўлади.

Феълнинг буйруқ шакли ҳам ўзгармас феъл шакллари билан бири ҳисобланиб, у сукун, иллатли ҳарф, шахс-сон қўшимчаларини тушириб қолдириш билан ўзгармас шакл ҳолатига келади. Мисол учун: *فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحَرْ* (Бас, Роббингга намоз ўқи ва жонлиқ сўй. Кавсар сураси, 2-оят). Феълнинг буйруқ шакли ҳозирги замон шаклидан ҳосил қилинади. Буйруқ шаклини ҳосил қилиш учун ҳозирги замонни ифодаловчи ҳарфларни (حروف المضارعة) тушириб, феълнинг охирини сукунлаштириш билан бўлади. Буйруқ майлининг иккинчи



шахс бирлик муаннас (ياء التأنيث), иккилик музаккар ва муаннас (ألف الاثنتين), кўплик музаккар (واو الجماعة) шакллари улар таркибидаги «нўн»ни тушириб қолдириш билан ўзгармас ҳолда бўлади. Охирги ҳарфи иллатли бўлган феълларнинг буйруқ шакллари иллатли ҳарфни тушириб қолдириш билан ўзгармас ҳолда бўлади.

3. *Ҳозирги-келаси замон феълига* نون جماعة النساء (муаннас кўплигини билдирувчи «нўн») ёки التوكيد نون (таъкидни ифодаловчи «нўн») қўшилса, булар ўзгармас ҳисобланади.

Юқорида баҳс қилинган мавзуларнинг деярли барчаси исм туркумига оид бўлса, охирги мавзу феъл билан боғлиқдир. Саккокий феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли نون جماعة النساء (муаннас кўплигини билдирувчи «нўн») ёки التوكيد نون (таъкидни ифодаловчи «нўн») билан қўшилган шакллар ўзгармас сўзлар таркибига киритмоқда. Барча тилшунослар ҳам айнан шу фикрдадирлар.

Феъл ва таъкиднинг икки «нўн»ни ажратиш учун ажратувчи (فاصلة) вазифасида иккиликда алиф (يكتبان - у иккиси, албатта, ёзади) келади, кўпликда «вāv»га ишора қилувчи дамма (يقرؤون - улар, албатта, ўқийдилар) қолади. Иккинчи шахс муаннас бирликда тушириб қолдирилганда ишора қилувчи касра (تفهمن كلامي - сиз гапимни, албатта, тушунасиш) қолади.

Феълларнинг ўтган замон, буйруқ шакллари тўлалигича ўзгармас ҳисобланса, ҳозирги замон шакли икки ўринда ўзгармас бўлади. Ҳар қандай синтактик вазифада ҳам ҳозирги замон шаклдаги икки ўзгармас ҳолат сақланиб қолади.

Ўзгармас шакл фақатгина ҳаракатлар билан эмас, балки зиёда ҳарф, иллатли ҳарфларни тушириб қолдириш билан ҳам ҳосил қилинади.

